
“Гиёҳвандликка қарамлик” – иродасизликнинг чўққиси

Тиббий адабиётларда гиёҳвандлик тушунчасига турли хил таъриф берилган. Хусусан психиатрия маълумотномасида гиёҳвандлик деганда таббий ёки суний захарли моддаларни давомли истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган вақтинчалик ёки сурункали захарланиш ҳолати тушунилади дея қайд этилган.

Айни ҳолатда гиёҳвандлик тушунчасининг мазмунига ҳар қандай захарли моддаларни истеъмол қилиш ва бунинг натижасида келиб чиқадиган ҳам сурункали, ҳам вақтинчалик захарланиш ҳолати киритилган. Бундан ташқари мамлакатимизда 1999 йил 19 августда қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунда гиёҳвандлик тушунчасига гиёҳвандлик воситаларига руҳий жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик деган таъриф берилган.

Гиёҳвандлик-гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни нотиббий мақсадларда истеъмол қилиш туфайли юзага келадиган, мазкур моддалар ва воситаларга жисмоний ва руҳий қарамликда кечадиган ижтимоий салбий ҳодисадир. Айтиш керакки гиёҳвандлик касаллигига йўлиққан беморларда кузатиладиган беморларда кузатиладиган ўзгаришлар қарамлик психофизиологик механизмлари билан бир қаторда, гиёҳвандлик воситаларининг захарли тасири натижасида асаб тизимининг органик шикастланиши билан ҳам боғлиқ.

Хусусан морфинизмда шахснинг феъл-атвори аста-секин ўзгаради, у такаббур, ёлғончи бўлиб қолади, қизиқишлари доирасида тораяди ва фақат гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритишдан иборат бўлади. Кайфияти жиззакиликдан тўлиқ апатия, бифарқликкача бўлган доирада ўзгаради. Бундай йўлга кирган кимсалар гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритиш учун сохтакорлик ўғрилиқ ва бошқа жиноятларга қўл урадилар. Абстиненция ҳолатида улар ўзгаларга таҳдид соладилар, ҳақорат қиладилар, агрессив хуружлар ва ўзини ўзи ўлдиришга уринишларга қодир бўладилар.

2022 йил 21 февраль куни Ўзбекистон туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Ўзбекистон тумани Пасткиқўриқ м.ф.й. Беруний кўчасида гиёҳвандлик “қарамлигига” учраган Шерали (имслар ўзгартирилган)нинг бошқарувидаги “Нексия” русумли автомашина тўхтатиб, кўздан кечирилганда унинг ёнидан “гашиш” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган. Шерали тадбир ўтказилишидан аввал ушбу гиёҳвандлик моддасининг бир қисмини таниши Жавлонга 100.000 сўм эвазига сотганини билдириб, унинг кўрсатмаси бўйича тадбир давом эттирилиб, Жавлоннинг ёни кўздан кечирилганда ўткир хидли “гашиш” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда ва 100.000 сўм пул ашёвий далил сифатида олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши Ўзбекистон туман судида кўрилиб, Шералига гиёҳвандлик воситаларидан мунтазам равишда захарланиш натижасида организм фаолияти, унинг барча жисмоний ва руҳий функциялари аста секин издан издан чиқиши, гиёҳвандларга барвақт ўлим таҳдид солиши, гиёҳвандликнинг ижтимоий зарари унинг тарқалиши жамиятга жуда катта моддий зарар етказиши тўғрисида тушунча берилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиб, қонун устуворлиги таъминланди.

2022-09-17 11:33:48